

# ЮЗАГА КЕЛГАН ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЎЗ ВАҚТИДА БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

---

Юзага келган фавқулодда ҳолат ўз вақтида бартараф этилди

Қиши мавсумида табиийки, ҳар биримиз иссиқлик манбаига кўпроқ эҳтиёж сезамиз, айниқса, аномал совуқ ва қишининг чилласи ҳукм сўраётган паллада. Фуқароларимизга иссиқлик манбаи етказиб беришга мутасадди бўлган соҳа вакиллари айни кунларда қатъий интизом ва масъулият билан ишламоқдалар.

Бунга Сўх тумани газлаштириш идораси ишчи ходимлари томонидан олиб борилаётган ишлар айниқса, намуна ва ибрат бўла олади. Табиий газдан фойдаланаётган ҳудудлар аҳолисига табиий газ ва “газсиз” ҳудудларга ўз вақтида суюлтирилган газ баллонлари етказиб беришда хизмат қилаётган соҳа вакиллари фавқулодда вазиятларда ҳам астойдил фаъолият олиб боришмоқда.

Туман газлаштириш идораси бош муҳандиси Бурҳонжон Мирзобоевнинг бизга берган маълумотига кўра, кеча кеч соат 20-10 ларда Ленбург-Тул магистралининг Тул насос станцияси ҳудудидаги газ қувурида шикастланиш юзага келган ва мазкур авария туфайли 1-сектор ҳудудидаги Девайрон, Тул, Соҳибкор, Қалъача маҳалла фуқаролар йиғини ва Ғазнов маҳалласининг бир қисмига табиий газ етказиб бериш тўхтаб қолган. Қилинган саъй-ҳаракатлар ва сафарбар этилган тезкор таъмирлаш гурӯҳи орқали юзага келган муаммо бартараф этилиб, соат 21-00 лардан бошлаб ушбу маҳаллаларга табиий газ етказиб бериш яна йўлга қўйилди.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook | Telegram | Telegram murojaat | Youtube | Instagram](#)

2023-01-13 15:20:10